

4.900.000 ТОННА ВАТАН ПАХТАКОР МҲНАТИНИ ШАРАФЛАМОҚДА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

21 ноябрь 1973 йил, чоршанба ♦ № 273 (15.747). ♦ Баҳоси 2 тгйин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИГА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Ўзбекистон колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, олимларини, қишлоқ хўжалиги ва тайёрлов органларининг ходимларини, шаҳарларининг меҳнаткашларини, ўқув юрталарининг коллективларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ходимларини — пахта учун курашда актив қатнашган кишиларнинг ҳаммасини меҳнатдаги катта ғалаба — социалистик мажбуриятлар бажарилиб, давлатга 4 миллион 900 минг тонна пахта сотилганлиги билан қизғин табриклайдилар.

Давлатга биринчи марта бу қалар кўп миқдорда пахта сотилганлиги республиканинг КПСС XXIV съездининг мамлакат қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва совет халқининг фаровонлигини юксалтириш соҳасидаги Директиваларини муваффақиятли равишда бажариш ишига қўшган катта ҳиссасидир.

Эришилган муваффақиятлар Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари ҳамда барча меҳнаткашлари қилган фидокорона меҳнатнинг, республика партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда хўжалик органлари олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг натижаси бўлди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети ишонч билдириб айтадиларки, Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалигининг меҳнатчилари ўзларининг фидокорона меҳнатлари билан деҳқончиликда янги-янги муваффақиятларга эришадилар, чорвачиликни жадал ривожлантириш учун курашни қизитиб юборадилар ҳамда қишлоқ хўжалигининг ҳамма маҳсулотларини етиштириш ва давлатга сотиш беш йиллик план топшириқларини шараф билан бажарадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

КАТТА ҒАЛАБА

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш борис бу йил пахта етиштириш кўпайтиришда янги катта муваффақиятларга эришдилар.

Мамлакат пахтакор республикалари активининг КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев иштирокида сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган йилги пахта ва совхозларнинг давлатга 7 миллион 520 минг тонна пахта сотиш юзасидан олган мажбуриятлари маълумланган эди. Ана шу юмшаклик ҳам ашёнинг 4 миллион 850 минг тоннасини Ўзбекистон пахтакорлари тайёрлаш мажбуриятини олдилар. Улар ўз ваъдаларига шараф билан адо қилдилар. Шу йил 20 ноябргача давлатга 4 миллион 900 минг тонна, яъни халқ хўжалик планида белгилангандан 455 минг тонна кўп пахта сотил-

ди. Андижон областининг колхоз ва совхозлари давлатга 588 минг тонна, Сирдарё области 563 минг тонна, Фарғона области 552 минг тонна, Самарқанд области 486 минг тонна, Сурхондарё области 440 минг тонна, Наманган области 422 минг тонна, Тошкент области 417 минг тонна, Бухоро области 400 минг тонна, Хоразм области 379 минг тонна, Қорақалпоғистон АССР 335 минг тонна, Қашқадарё области 317 минг тонна пахта сотдилар. Республикда бу қадар кўп миқдордаги пахта биринчи марта тайёрланди. Хўжаликнинг 90 проценти биринчи навларга топширилди. Пахта тегиш ва тайёрлаш давом этмокда.

Гектар бошига 29,1 центнердан пахта олинди. Республикдаги 46 район хўжаликлари, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм областлари умуман гектар бошига пахта ҳосилини 30 центнердан

ошириб, 16 район эса 35—40 центнердан ҳосил қўтарди.

Механизация даражаси ошганлиги етиштирилган пахта ҳосилини ўз вақтида териб олишга қўмаклашди. Бу йил пахта териш машиналарида 2 миллион 682 минг тонна ён-бўғун ҳосилининг 55 проценти терилди. Сирдарё, Тошкент ва Наманган областларининг механизаторлари ҳосилининг 60 процентида кўпрогини пахта териш машиналарида териб бердилар. Республикдаги кўпгина колхоз ва совхозлар ҳосилининг деярли ҳаммасини машинада, қўл меҳнати ишлатмай териб олдилар.

Ерларни мелiorациялаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини химиялаш ва механизациялаш соҳасида партия ишлаб чиққан кенг программа ишчилик билан амалга оширилганлиги, шуниқдек, деҳқончилик маданияти оширилганлиги ва пахтанинг юлгига чиқамли, серҳосил навлари жорий

этилганлиги туфайли Ўзбекистон деҳқонлари ана шундай муваффақиятга эриша олдилар.

Меҳнатда эришилган ғалаба — республика колхозчилари, совхозларининг ишчилари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассислари, тайёрлов органлари ходимлари фидокорона меҳнатининг, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари олиб борган зўр сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг натижасидир.

Саноат корхоналарининг коллективлари, олий ва ўрта ўқув юрталарининг студентлари, мактабларнинг ўқувчилари, республиканинг барча меҳнаткашлари ҳосил теримда актив қатнашдилар.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозлар 1974 йилда пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларида мўл ҳосил олиш учун замин тайёрлаш йўлидаги курашнинг қизитиб юбордилар.



«ОҚ ОЛТИН»НИ ОЛТИН
ҚўЛЛАР ЯРАТГАН

Л. И. БРЕЖНЕВ.



Л. И. БРЕЖНЕВ Ж. МАРШЕ БИЛАН УЧРАШДИ

Шу йил 18-19 ноябрда КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев Франция Компартиясининг Бош секретари Ж. Марше билан учрашди. Учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев ва Франция Компартияси Марказий Комитетининг аъзоси, Франция Компартияси Марказий Комитети халқаро бўлимининг муdiri Ж. Канап иштирок этидилар.

Ўртоқларча самимий вазиятда ўтган суҳбатда кўпгина масалалар юзасидан фикрлашиб олинди.

Л. И. Брежнев ва Ж. Марше ўртоқлар КПСС ва ФКПнинг фаолияти тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар. Улар КПСС ва Франция Компартиясининг ўртасидаги марксизм-ленинизм, пролетар интернационализм, партиянинг асосланган, қаролиниш муносабатлари ўзараси эканлигини таъкидладилар ҳамда шу муносабат билан 1971 ва 1972 йилларда ўзаро қабул қилинган хужжатлар ўз кучини тўла-тўлиқ сарфлаб қўлаганлигини ўқитиб ўтдилар.

(Давоми 4-бетда).

Ўрта Осиё республикаларидаги ва бошқа иттифоқдош республикаларимиздаги барча партиялар сингари Ўзбекистон Коммунистик партияси ҳам КПССнинг

катта ва жанговар отрядидир. Республиканинг ҳозирги ва келажакдаги ҳамма ютуқлари Ўзбекистон Коммунистик партиясининг ғоявий-сиёсий ва ташкилот-

чилик фаолияти билан чамбарчас боғланган. Республика коммунистларининг қарийб ярим миллион кишилик армияси партиямиз ле-

нинчи Марказий Комитетининг содиқ таянчи бўлиб келди ва бўлиб қола беради.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

МИРМУҲСИН

ОЛТИН ҚўЛЛАР

Тўйга қўшиқ ярашади, куйламоқ юрак нақши,
Хей, азамат дўстлар келинг! Улуг ишни дундириб...
Дўмбирасин қўлга олди давра мчра Мир — Бахши,
Пахтакорлар ўтиришар бахт қушини қўндириб.

Ур деганда номард қочар, мардлар қолар майдонда,
Тенгсиз меҳнат курашида донг чиқариб топди ном,
Юртимизнинг фазу фаҳри — аёллар қилар ханда,
Қошдаги чангини, ғўртинг, янгрисин жаранг-жом!

Қўламда беҳаловат чигит экканлар, келинг!
Қайдасиз, савдотинда кифти куйганлар бу дам!
Тўйга чикинг, олтин қўл турсунойчи зўр келинг!
Тунлари фонуш ушлаб суғорган мидоб, сен ҳам!

Жамият дарахтининг мустаҳкам илдизлари —
Дале азаматлари ҳорманг деймиз бу айям!
Ўз сўзлик шунқорларнинг қуёш янглиг юзлари,
Ўз сўзлик пахтакорнинг меҳри ўзи бир дарё.

Лайлакнинг кетишимас, келиши ҳисоб дерлар,
Меҳнат яқуни ила ўлчанар юрдада обур.
Ҳамма вақт ҳам мард туриб дундиromoқдадир эрлар —
Осонгамас, ишининг огиринга рубару...

Тўй қилсақ арзғулик меҳнатимиз ораста,
Ур, азамат чирмадангичи! Янграб турсин қирқ қарнай!
Пахтакорни улуглайман, шеърим мардларга баста —
Қаҳрим сал-пал қаттироқдир, даңгаса юзин кўрмай!

Атлас қўйлак ял-ял ёнар, эй, жонон, сеннинг тўйинг!
Жамолиндан нусха олиб бўлди бу юрт боқис.

Сен ишларим, сендан анқар доимо баҳор бўйи,
Сўзинг билан бирдир ишинг — мисоли тиниқ олмос.

Бунча улуг жаваҳир тоғ бўлмаганди ҳеч қачон,
Сир имодай! Бу мислсиз зафарнинг сирини недири!
Меҳнат қилдик сийдиқидилан, нарчамасдан, кечиб жон...
Қардошлик-ла йўғрилган қалб буюк ишларга қодир.

Сир шундаки, азамат халқ юксалди, топди қамол,
Синовлардан қолдиб ўтди, чиниққан тани метин.
Содиқ саводатлик, жамулжамлик ҳам жамол —
Сўз айтдим, адо этар — қуёш ювандир бетин.

Э, дўст, қалбимда гаплар кўп эди, аммо бу гап,
Қирқ қарнай овозини тинглайлик, келди пайт,
Сенинг давранга тушсам ўйларим бўлмас чигал,
Ишлаганлар гапирсин, азизим, сўзингичи айт!

Халқ ишларимиз кўп, ҳар йили иш шунақа —
Шалъ қабч охирига зиё сочиб, яшаймиз.
Бардам, узоқ яшаймиз, ўладинг надон кўй,
Халол меҳнат, ҳалол бахт ҳамда ҳалол ошаймиз!

Бизнинг кўчада байрам, ва яна бўлур байрам!
Олтин қўллар жасратини табриклар улуг Ватан.
Дўмбирам янгра бу дам! Дўмбирам тошиб сайра!
Юртинг билан биргасан бўлдинг доимо бир тан.

Тўйга қўшиқ ярашади, куйламоқ юрак нақши —
Хе-е-е-й, азамат дўстлар келинг, бахт қушини қўндириб.
Дўмбирасин янграмоқда ўтиришга Мир — Бахши
Пахтакорлар кўр тўнчанган улуг ишни дундириб.
1973 йил.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ

ЧАҚИРИШ Тўғрисида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади:
Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси саккизинчи
чақириқ Олий Советининг олтинчи сессияси 1973 йил 20
декабрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалигини ривожлантиришнинг
1974 йилги давлат плани тўғрисида;
Ўзбекистон ССРнинг 1974 йилги давлат бюджети тўғрисида;

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини
тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Х. ПУЛАТОВА.

1973 йил 20 ноябрь,
Тошкент шаҳри.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИДАН

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети депутати, СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қуришчи министри, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Алексей Кириллович Кортуновнинг ўзюк давом этган оғир касаллиқдан кейин 1973 йил 18 ноябрда вафот этганлигини чуқур қайгу билан маълум қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БАЛЛИ, БОБОДЕҲҶОН!

ИШЧИЛАР ҚУТЛОВИ

Ўлкамизда тантана, Хонадонларимизда шодлик. Дилимизда, тилимизда қувонч. Пахта хирмонимиз 5 миллион тоннага етиб қолди. Машиналарда 2,6 миллион тоннадан ортиқ пахта терилди. Бободеҳқон ҳам, механизатор ҳам Ўзбекистон тарихида мисли кўрилмаган рекорд натижани қўлга киритди. Пахта териш машиналарининг бекиёс қудратини намойиш этди. Обиджон Акбаров, Тўла Дадажонов, Шеробод қизлари-ю, минг-минглаб шодивеллар мардонавор ишлаб, «оқ олтин»дан тоғ-тоғ хирмонлар уйишти.

Иккилобта қадар Туркистон ўлкаси кўз яхши келган кезларда бир йилда ҳаммаси бўлиб 500 минг тоннагача пахта берганини биламиз. Эндилда Ўзбекистон бободеҳқонлари бу марра ни уч-уч ярим кундаёқ забот этишганини ҳам кўриб турибмиз. Бутунги тантанамизнинг боисларидан бири ҳам шу. Бу тантана — умумхалқ тапталасидир. Бунда биз — ишчи ва инженер-техник ходимларнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан фойдаланамиз. Чунки, бободеҳқон эл-юртин ноз-неъматларга буркаса, биз уларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилишга интиламиз. Мукамал машиналар, «ақлли» селлакалар, сифатли ўғитлар ва бошқа кўлаб сановат маҳсулотлари етказиб берамиз. Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига кўлаб тракторлар, пахта териш машиналари, подборшчик ва қўсақ чувиш механизмлари, тонна-тонналарча аммофос ва азот ўғитлари ишлаб чиқарилади. Буларнинг ҳаммаси — лафзи ҳалол, виждони пок ва қўли қадон, бободеҳқон учуру!

Республикамизнинг олтин қўли пахтакорлари кучган за-

фар — бу, аввало коммунистлик қурилишда Ўзбек халқининг ва кўп миллатли серқуёш Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари зафаридир. Шунинг учун ҳам бугун республикада яшовчи ҳар бир киши: тоғ-тоғ пахта гарамларида менинг ҳам ҳиссам, менинг ҳам шахсий улушим бор, деб фахр билан айта олади. Барчанинг дилида ҳам, тилида ҳам қувонч кайфият. Қўтловларнинг чеки йўқ. Балли сизга бободеҳқонлар! Эрта баҳордан ерга чигит ташлаб, кеч қузагача уни олтин қилиб ундирган олтин қўлларингиз асло дард қўрмайди.

С. НУРИДИНОВ — Бекобод металлургия заводининг «300-стан» мастери, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Б. ЖУРАЕВА — Тошкент туңмачилик қўшнингнинг йиғрувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Н. РОЗИҚУЛОВ — «Алмалик-Синтезстрой» муриллиш бошқармасининг бригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ф. ЭРГАШЕВ — «Таштекстильмаш» заводининг ветеран ишчиси.

Бўна районидagi Ҳамза номи колхоз сўт-товар фердаси коллектив маъжуда 180 бош соғин сизиларини яхши парвариш қилиб, уларнинг ҳар бирдан 2500 литрдан серқаймоқ сўт соғиб олиш учун уларини қорва қишлоғига ҳам пухта тайёргарлик қўйилди. Бир ярим йилга етган озуқа тайёрланди, қорвачилар биолари ремонтдан чиқарилди. Су ратда: (чапдан) колхознинг илгор сўт соғувчиси Ш. Ҳисомиддинова, ферма меҳнатчи Ф. Эргашев, ферма ходими Т. Жўраев ва сўт соғувчи Ф. Соповалар навабдаги режалар ҳақида сўхбатлашмоқдалар.

И. Тўраев фотоси.



Шабрик ва ҚУТЛОВ

ИФТИХОР

Пахта — Ўзбекистон меҳнаткашларининг миллий ифтихорига бўлиб қолмай, балки Совет-Иттифоқи халқларининг ҳам ифтихорига айланди. Бунга республика меҳнаткашларининг мислиёс меҳнат ғайратини, шижоатини, Ватан олдидаги бурчига чексиз садоқатини тўғайли эришилди.

Пахта — Ватанимизнинг энг катта моддий бойлиғи эканлигини, ундан минг бир хил маҳсулот олиниши ҳақида гапирмасам ҳам бўлади. Бу — ҳамма учун оддий ҳақиқат.

4 миллион 900 минг тонна «оқ олтин» армуғон этилган шу қувончли дамларда олтин қўли пахтакорларча самимий қўтловларини йўлайман.

М. ТИХОНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР халқ шoirи.

ХОРМАНГ, ҚАРДОШЛАР

«Сув бор жойда — ҳайт бор, дейди доно халқларимиз. Сув чў-чў-бўйиболган бор-борларга айлантиришни айниқса ўрта Осиё республикаларининг меҳнаткашлари амалда исботлашди. Қарши ва Мирзачўл энгиларнинг азиз пой-қадамизга билан бўстонга айланмоқда. Дохиямиз В. И. Ленин номидаги Қоракўм канални туркиман дёрини шартлиб юборди. Иттифоқнинг 7,5 миллион тоннадан зиёд улкан хирмонда Туркиманistonнинг 950 минг тоннага яқин улуши борлигини таъкидлаш билан узимни бахтиёр сезаман.

Олтин қўлларингиз ўзбекизолар паттаверсин, азиз қардошлар!

Б. КЕРВОНОВ,
Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ

Биз ивановлик туғувчилар «оқ олтин» ўлкаси Ўзбекистондан аниқ олибди бўлмас ҳам, аниқ ҳар бир оғимиз, ҳар бир доримиз, барқалли меҳнатимиз, икки ой йўқимиз сиз азамат пахтакорлар билан намбарчас борлигини, Бутунг боюн — барқаллига қўшқонд аён. Чунки, Ўзбекистон бунга-ком — аниқ олтин — берувчи асосий база. Шу нақаддан биз туғувчилар сизлар эришган ҳар бир талабдан кўнди ўз ютуғини мизол қувонамиз, кўнганмиз айрилади, беҳад фахрланамиз.

Биз Ўзбек деҳқонларининг сий, меҳмондўст, тўғал йўлбиз, ваздасига вафодорлигини, меҳнатсеварлигини ўртамизда ушқ йиллик дўстлик муносабатларидан ахши биламиз. Мен бир-бирини «Минглар ширинлиги» мусовоқ қилишга қатъиярқарор — сифатли тошкент пахтакорлар ҳузурида, пахтазорда, пахта толовчиларнинг ирқоналарига бўлганмиз. Бунга янада чуқур ҳис этганимиз.

Мана, бутун мамлакатимизда яна бир қўшақлар, яна бир талаб! Визинг қадрдон мусовоқдо, шимиз бўлган Ўзбекистон зару-носилари партия ва Ватан олдида берган сўзларининг устидан чиқиб, пахтадан мислиёс хирмон уйдилар. Қонажон Ватанимиз хавонининг ўзларининг қимматбах «оқ олтин»лари билан бў-йилдилар. Туғувчиларга кўнаб ҳам еше тайёрландилар. Виз етти-мизин янада ҳақдан шимариб нияш тушмоғимиз лозим. Галабон, қиз қўтуғ, захматчан пахтакор дўстлар.

Зоя ПУХОВА,
Балашев номи туғувчиларини фабрикасининг туғувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

ПАХТАКОРЛАР ЖАСОРАТИ

В. ЛОМОНОСОВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг
иккинчи секретари

тирилди. Т. Дадажонов бригадасида аса қилиш бошга пахта етиштириш 105 тоннага етди.

Кўпчилик хўжаликларининг муваффақиятига, аввало, пахтачилликнинг комплекс механизациялаш йўли қатъият билан оғимай ўтказилганлиги тўғайли эришилди.

Пахтакорларимизнинг шонли гвардиячилари — механизаторлар эрта баҳордан кеч қузагача мўл ҳосил учун кура-лишининг пешадими бўлмоқдалар. Пахта терими авж қизган пайтларда 28 минг «ангори кема» республиканинг бе-лози пахта деҳқонлари тилимиз сўзиб юрди, бу машиналар қўлда пахта теру-чи бир миллиондан ортиқ кишининг меҳнатини бажарди. 2 минг хотин-йиз пахта териш қўшунининг бошқармачи-лари.

Механизатор пахтакорларнинг бутун бир армияси қадрлари таъйинланди, юн-га етказилганлиги қишлоқ партия та-шиқотларининг, колхоз ва совхозлар му-тахассислари, раҳбарларининг натта хизматидир.

Ўзбекистон механизаторлари етишти-рилган ҳосилнинг тақдирини учун ўз ро-ли ва масъулиятини чуқур англаб, ҳо-сил теримини намунали ўтказиш учун, мавсум давомида икки қаторли машина билан қанда 100 тонна ва тўрт қатор-ли машина билан 170—200 тонна пахта териб бериш учун социалистик му-собоқани кенг аниқ олдинги тўғрида мамлакатнинг барча пахтакорларига му-лоқат қилин.

КПСС Марказий Комитетини механизаторларимизнинг ташаббусини маъқулла-ди ва мамлакатнинг барча пахтакорлари ҳам бу ташаббусни «қўлаб-қувватла-ди». Ўзбекистон, Туркменистон, Тожи-кистон, Қазқайқон, Қозғоғистон, Қирғи-зистон пахтакорларининг доимий ан-тасига айланиб қолган социалистик му-собоқа уларнинг таърибасини бойитмоқ-да ва қимматли самаралар бермоқда.

Терим техникасидан юксак ўнум билан фойдаланишнинг тўғайли «ҳар қи-ли» 100—145 минг тонна пахта тайёр-лаш мумкин бўлди. Илгари ҳеч қачон республика ҳосил теримиди бундай ю-ксак сўратларга эришмаган эди.

Комплекс механизация — усталайдиган Т. Охунова, С. Усейнов, О. Хўйиқов, М. Х. Қўрбонова, С. Протас, В. Ша-хматов, З. Хасанова, О. Албаров, М. То-йров, У. Узоқов, К. Қолматов, К. Жума-ниёзов, ака-ука Шодивеллар, К. Камо-лов ва бошқалар уларнинг фидокору-ни меҳнатлари билан техниканинг қуд-ратли қўлини намойиш қилдилар.

Мўл-қўл пахта етиштиришда эришил-ган муваффақиятда миллион-миллион кишиларнинг бевосита улуши бор. Сер-урум машиналарини иқод этган конструкторлар, инженерлар ва сановат корхона-ларнинг ишчилари, деҳқонларини мине-рал ўғитлар билан таъминлаб турган хизматкор, қўшнингиларни таъминлаб янги ва серқошқил навларини етиштириб берган селекциячи олимлар, қишлоқ хў-жалиги ва сув хўжалиги мутахассисла-ри, қўриқ ерларни ўзлаштирган азамат-лар, колхоз ва совхозларга оталиқ ёрда-ми берган шахарлар ва район марказла-рининг аҳолиси, студентлар, туғувчилар шулар жумласига кирди. Серқуёш ре-спубликамизда яшаб меҳнат қилгангиз ҳамма кишилар ҳам шулар жумласига кирди. Авиаторларимиз, автомобиль транспорт ходимларининг ишнин ҳам яхши сўз билан эслаб ўтамиз.

Фан-техника тараққийоти ютуқларин қишлоқ хўжалигига жадал янги ети-лганлиги, меҳнат унумдорлиги ҳар то-монлама интенсивлаштирилиб, мутасил ошirilганлиги пахтачилликни юксалти-ришининг ҳозирги босқичида ўзига хос ҳусусиятлар бўлиб қолди.

Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари бу йилги мўл ҳосилга эришган янги бос-қичда чинакам баҳодирона иш қилди-лар. Экин майдонларининг 70 процентига чигитнинг янги, янги таъминлаб нава-

ри эшилди. Пахтакорларнинг учдан бир қисмига чигит кенг қаторлаб эшилди. Бу эса ҳосилдорлигини ва пахтакорларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш ижтимо-ни берди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари илгор агротехника ва ирригация-мелиорация усулларининг бутун бир комплексич амалга оширилди, қишлоқ хўжалик парварқувчиларига қарши курашни ях-ши ва малакали ўтказдилар, натта май-донларда теринчиларни қўландилар, табиатнинг ҳамма ийжиқилларини му-ваффақиятда равишда енгилди.

Бир ҳам деҳқонларнинг меҳнатига ра-ваб қарши ҳосил берди. Пахтазорларда илгари мисли кўрилмаган ҳосил етиш-тирилди. Халқимиз «меҳнатнинг тағи роҳат» деб беиз айтмаган.

Республиканинг асосий бойлиғи, бош-вазифаси бўлган пахта тўғрисидаги ти-нимсиз ғамхўрлик қишлоқ хўжалигининг бошқа тармонларига эътиборни қамай-тирган йўқ. Мўл пахта ҳосили байрами кўни дош, шоди, қаноп, сабзавот, полз маҳсулотлари, мева, узум, пилла, жуи, туҳум ва қишлоқ хўжалигининг бошқа турдаги маҳсулотларини етиштириш ҳақида давлатта сотиш юзасидан белги-ланган давлат ланлар ва олдинг ю-ксак мажбуриятлар муваффақиятли ра-вишда бажарилганлиги билан ниш-ланмоқда.

Мўл пахта хирмони учун олиб борил-ган қўлаб ишчилар сифати, колхозчи деҳқонлар ва энгилларимиз иттифоқи-нинг ҳаёбатчи қўли яна бир марта яқ-қол намоян бўлди. Республика индуст-риянинг олға томон қатта қадам қўйди. Сановат ўн ойлик планини муддатидан аввал, 24 октябрда бажарди. Пландан таъқир 236 миллион сўмликдан кўпро-қ маҳсулот реализация қилинди.

Биз бу муваффақиятларга КПСС Марказий Комитетини, Совет ҳукумати ва шахсан ўртоқ Леонид Ильич Брежнев-нинг жуда катта ёрдами ва доимий ғамхўрлиғи натижасида эришдик.

Бутун мамлакат пахтакор републи-калари активининг йилгишда сўзла-ган нутқида ўртоқ Брежнев совет пахта-чиллигини ривожлантиришнинг бош йў-лини аниқ белгилаб берди. Республика коммунистлари ва меҳнаткашлари ўртоқ Л. И. Брежневнинг йўл-йўриқлари ва маъмурларини амалга ошириб, пахта етиштиришда янги, янгида юксак мар-лафга эришди. Йўлда курашнинг учун мустаҳкам негиз яратилди. Ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика ёш макма-хурикорларига йўллаган самимий таъ-риқномаси қишлоқ хўжалигининг барча ходимлари учун жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

Леонид Ильич бу йил Ўзбекистонга ҳосил теримининг энг масъулиятли да-врида келганлиги, унинг оқ йўл талаб айтган эгу сўзлари республиканинг бар-ча меҳнаткашлари томонидан бажонидил қабул қилинди ва қизгин қўлаб-қув-ватланди ҳамда коммунизм йўлида янги-ни зафарларга эришиш учун қудратли омил бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон партия ташкилотлари омма орасидаги сийёс ва ташкилот-чилик ишнин янада қучайтирилди, ў-зларининг қўйқарал фаолиятлари, ў-зуби ва методларини доимо тақсимла-штирмоқдалар.

Область, шаҳар, район партия коми-тетлари барча меҳнат коллективларини омилдорлик билан сафарбар қилдилар, уларнинг куч-ғайратларини давлат план-лари ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришга қўлаб тур-дилар.

Партиянинг кенг омма орасида иш-ловчи жанговар бўғилари бўлиш бо-лида таъйинлаб ўттиш керак. Коммуни-стлар умумхалқ мусовоқасининг жо-натини, унинг чинакам раҳбарлари ва ташкилот-чилари бўлиб қилдилар. Р. Оллаёрова,

ИЛГОР МЕХАНИЗАТОРЛАР



Обиджон АКБАРОВ:

Мархамат районидagi «Октябрь» 50 йиллиги колхозини механизатор, рш, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати.

— Мен бу йил 1000 тоннадан ортиқ пахта тердим. Машиналар оғирининг енгил, узогимизни аниқ қилиди.



Бобожер ШАВҚИЕВ:

Пахтачи районидagi Калинин номи колхоз механизатори, СССР Олий Совети депутати.

— Машинада бир мавсумда ик-ки мавсум нормаси миқдорда пахта тердим. Колхозимизда план-нинг бажарилгани машиналар ва уни бошқарган механизаторлар таъминланди.



Ахмаджон ВАЛИЕВ:

Пахтакор районидagi Қиналов номи 26-А совхозининг механизатори.

— «Ўзбекистон» марнали маши-нада ўғим билан биргаликда 1000 тоннадан ортиқ пахта тер-дим. Силарга областимиз пахтачи-лини юксалтириш механизациялаш лабораториясига айланди.



Абдусаттор ҚУРБОНОВ:

Шеробод районидagi Ленин номи совхоз механизатори.

— Машинада 1000 тоннадан ор-тиқ пахта териб, механизаторлар унган улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшдим.

ФАКТАР... РАҚАМЛАР...

ПАХТА: Ўзбекистон «оқ олтин» хирмони 4 миллион 900 минг тонна-гача етди. Бу халқ хўжалигини пландада белгилангандан 455 минг тонна кўп демандиди.

ДОМ: Республикаи галланорлари меҳнатда масорат қўратиб, Ва-тан омборларига 601 минг тонна-дан кўпроқ ёки 38,7 миллион пуд-дан тўқнади. Галла топишириш 1,8 баравар кўпайди. Халқ хўжа-лиги план 130 процент бажарил-ди.

ШОЛИ: Давлат қабул пунктла-рига 200 минг тонна ёки халқ хўжалик планининг 167 проценти миқдорда шולי етказиб берилди. МАККАЖУХОРИ: КПСС Марк-зий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг ёш мак-мажбуриятлар республика чина-гашига қўллаган хатидан иқдор-ланган Ўзбекистон макмажбури-торлари катта галабани қўлга ки-ритдилар. Маккажухори ва ёғи-хорида планда кўзда тутилгани.

КАРТОШКА: Планада кўзда ту-тилган 78 минг тонна ўрнига 71301 тонна картошка тайёрланди, йиллик план 101,3 процент эдо-эттилди.

МЕВА: Планадаги 98 минг тонна ўрнига 132 минг 357 тонна мева тайёрланди, йиллик план 133,7 про-цент бажарилди.

УЗУМ: Планадаги 191 минг тонна ўрнига 213 минг 285 тонна узум тайёрланди, йиллик план 111,7 процент эдо этилди.

ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ МАҲСУЛОТ-ЛАРИ: Планада белгиланган 304 минг тонна ўрнига 419 минг 725 тонна ширин-шанар қовун-тарвуз етиштирилди, йиллик план 138,1 процент бажарилди.

ПИЛЛА: Республика кўмуш то-ла иқдорларини пландаги 20 минг 528 тонна ўрнига 22902 тонна пилла тайёрлаб, масорат намуна-ларини қўрсатдилар.

ҚОРАКУЛ ТЕРИ: Она Ватанга 1 миллион 885 минг дона юмори сифатли Ўзбекистон қоракўли ет-

казиб берилди.

СУТ: Чорвадорларнинг Бутун-иттифоқ мусовоқасига қўшилган оқ чашма соҳибдорлари салнам 400 минг тонна сўт соғиб олди-лар.

ГЎШТ: Республика чорвадорла-ри меҳнатда катта галабани қў-лга киритдилар. 150 минг тонна семиз гўшт тайёрланди.

ТУХУМ: Ўзбекистон парранда-боярларни ўз ишларини сановат асосида кайта қўриб туҳум етиш-тиришни қўлайтирилди. Планди-даги 378 миллион ўрнига салнам 400 миллион дона туҳум олди.

КРЕМЛДА МУЗОКАРАЛАР

19 ноябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Гвинея — Бисау Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси бош секретари — Гвинея ва Яшил Бурун ороллари музокара бўлиб ўтди.

Музокарада Совет томо-

нидан — КПСС Марказий Комитети Сийасий бюроси аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний билан Гвинея — Бисау Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси бош секретари — Гвинея ва Яшил Бурун ороллари музокара бўлиб ўтди.

Гвинея томонидан музокарада Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси икромия ко-

митети доимий секретариатининг аъзоси, курулди кучлар ишлари бўйича давлат комиссари Жоао Бернардо Вейра, Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси кураш олий кенгашининг аъзоси, маориф масалалари бўйича давлат комиссари Мануэль Сатурнио Коста, кураш олий кенгашининг аъзоси Жоанни да Силва қатнашди.

Дўстлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтган музокарада давлат Комитети Гвинея — Бисау Республикаси ўртасидаги муносабатларини кенгайтириш ва мустақамлаш, КПСС билан Гвинея ва Яшил Бурун ороллари мустақиллиги африкаликлар партияси ўртасидаги алоқаларини мустақамлаш ва ривожлантириш масалалари, шунингдек халқаро аҳолининг ҳар икки томонни қизиқтирган баъзи масалалари қараб чиқилди.

(ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ Ж. МАРШЕ БИЛАН УЧРАШДИ

(Боши 1-бетда)

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг коммунистик партиялар ҳамда бутун ишчилар ва демократик ҳаракатнинг изчиллиги билан олиб бораётган кураши, антиимпериалистик кучларнинг ишчиларнинг кейинги вақтларда дунёда ижобий ўзгаришлар ясаган, ленинча тинч-тотув ишларини таъминлашда муносабатларнинг нормаси бўлиб қолаётганлиги олиб келганлиги мамнуният билан таъкидланди.

Шу билан бирга Л. И. Брежнев ва Ж. Марше ўртоқлар шунинг таъкидлашлари, кескинликни юмшатиш ишида эришилган муваффақиятлар халқаро майдондаги, капитал мамлакатларидаги сиёсий курашнинг юмшатиш асно бидирмайди ва империалистик доираларнинг кескинлигини юмшатиш янада ривожлантиришга ҳалақит бериб йўлидаги уришларни қаршида халқларнинг ҳушёрлигини бушаптириб қўймаслиги керак.

Л. И. Брежнев ва Ж. Марше ўртоқлар соғлом халқаро ишларни вужудга келтиришда катта ва кичик ҳамма мамлакатлар актив қатнашишлари лозим.

лигини айтдилар ва шу муносабат билан гўё дунё устидан ҳужумкорлик ўрнатилган ниятда бўлган «ўта буюк давлатлар» деб аталган сохта назарияни кескинликни юмшатиш ва халқаро ҳамкорлик жараёнларига қарши қаратилган бир нарсани қораладилар.

Улар — КПСС билан ФКП араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш йўлидаги одилона курашнинг доимо қўллаб-қувватлашлари яна бир қарра бидирдилар ва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг маълум резолюциялари дарҳол амалга оширилиши кераклигини айтдилар.

Сайтон режимини Вьетнамда доир Парик битимини қўпол равишда бузётганлигини таъкидлаб, улар бу битимга қатъий риоя этилишини талаб қилдилар ва Вьетнам халқи билан тўла бирдам эканлигини таъкидладилар.

КПСС ва ФКП номидан Л. И. Брежнев ва Ж. Марше ўртоқлар Чили ҳарбий хунтасининг инноваторона бебошлигини ва қонли террорини ланъатладилар ҳамда совет ва француз коммунистлари чили коммунистлари, социалистлари ва бошқа демократлари билан амалий бирдам эканлигини айтдилар. Улар Чили халқининг

ҳаққоний иши тантанаси қилишга ишонч бидирдилар.

СССР билан Франция ўртасидаги, совет халқи билан француз халқи ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлигини ривожлантириш Европада ва бутун дунёда тинчлик иши учун муҳим аҳамиятга эга эканлигини Л. И. Брежнев билан Ж. Марше таъкидладилар. Улар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамкорлигини кенгайтиришнинг катта имкониятлари борлигини қайд қилдилар ва ана шу имкониятлардан фойдаланишга сунъий равишда ҳалақит бераётган ҳамма ҳатти-ҳаракатларни, биринчи галда буржуа пропагандасининг антикоммунистик кирдиқорларини қораладилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев билан Ж. Марше ҳозирги босқичда халқларнинг энг хавфли душмани бўлган империализмга қарши курашда коммунистик ва ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг бирлигини мустақамлаш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлишини қайд қилдилар ва шу бирликка эришиш йўлида қўйилган ҳамма қадамларни қўллаб-қувватлашларини бидирдилар. Дунёдаги вазиятнинг ривожини революцион кучлардан аҳоли баҳолашга ишонч бидирдилар.

дашнинг, жаҳон ривожидати янги ҳодисалардан ўз вақтида ҳулосалар чиқариб олишни, тўғри тактикани, иш ва кураш методларини ишлаб чиқишга таъсир ўтказувчи ҳамма омилларни ҳисобга олишни талаб қилади. Иккала партия конституция фикрлашиб олишга ва барча демократик кучларнинг, шу жумладан коммунистик партияларнинг тинч, ҳуқуқийлик ва ўзаро қўрқат ҳамма бир-бирларининг ички ишларига аралашмаслик принциплари асосида биргаликда ҳаракат қилишларига катта аҳамият берадилар.

Л. И. Брежнев билан Ж. Марше тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгресси муваффақиятини таъкидладилар, бу конгресс халқларнинг тинчлиги, хавфсизлиги ва халқаро ҳамкорлик йўлидаги ҳаракатни янада юксалтиришга ҳизмат қилишини айтдилар.

Улар реакция кучларининг қаршиликка қарамай кескинликни юмшатиш ишида, тинчлик, демократик ва социализм учун курашда бундан бўён ҳам янги-янги муваффақиятларга эришиш учун ҳамма шарт-шароитлар борлигига ишончларини эканлигини бидирдилар.

РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ УЛКАН ХИРМОНИ

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1973 йил 20 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Областлар	Маълумот бошдан тайёрланган пахта				Шу жумладан машинада терилган пахта			
	План (миң тонна ҳисобда)	Минг тонна	Планнинг бажарилиш проценти	Генералнинг ҳисоб (центнер ҳисобда)	План (миң тонна ҳисобда)	Минг тонна	Планнинг бажарилиш проценти	Янги ҳосилнинг олинган қисми (процент ҳисобда)
Сирдарё	458,0	563,0	122,99	24,3	325	443,2	136,40	79,0
Андижон	510,0	588,0	115,30	31,8	229	312,7	136,50	53,0
Тошкент	368,0	417,0	113,31	29,6	250	297,7	116,30	70,0
Қашқадарё	280,0	317,0	113,21	28,1	110	115,4	104,82	36,0
Сурхондарё	390,0	440,0	112,82	34,1	200	217,4	108,65	49,0
Наманган	379,7	423,0	111,40	31,7	170	255,0	150,00	60,0
ҚК АССР	305,0	335,0	109,83	27,5	160	175,0	109,37	52,0
Самарқанд	444,0	486,0	109,50	27,6	185	249,0	134,60	51,0
Фарғона	505,0	552,0	109,30	29,2	205	249,2	121,50	45,0
Хоразм	355,0	379,0	106,76	26,3	200	207,0	103,50	55,0
Бухоро	450,0	400,0	88,90	25,3	166	167,4	100,80	42,0
Республика бўйича:	4445,0	4900,0	110,20	29,1	2200	2682,0	121,90	55,0



Андижон области. Муқаддас Қодирова ва Санобар Хайдарова 10-синфини муваффақият билан тугатди. Оқимчилик — И. Боскан районидagi Охунбоев номи колхозининг сўт-товар фермасыга ишга келган эдилар. Бугунги кунда ҳар икки дўгона қарамоғида 20 босдан соғини сиғир бор. Улар ўзаро муносабатлашиб ҳар беш — сизирдан 2 миң литрдан ошириб сўт соғиб олишга аҳд қилганлар. Суратда: оқ чашма иккидорлари М. Қодирова ва С. Хайдаровлар.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).

МУДАТИДАН ИЛАГАРИ

Урта Осиё темир йўли коллектив беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили топиригини ошириб бажариш учун ўтказилган социалистик муносабатни авж олдириб, халқ ҳўжалини юлларини юмшатиш ун бир ойлик планини 18 ноябрда бажарди. Пассажир ташвиш топириги ҳам ошириб бажарилди. Қўшимча равишда юк ортиш учун ҳар кунини икки мингга яқин вагон бўша-тириб турилди, уларнинг обороти таъкидланди. Юн ташиндиган поездининг ўртача оғирлиги 13 тоннага қўйлатилди.

Ноябрь охиригача планга қўшимча равишда уч миллион юз миң тонна халқ ҳўжалини юллари ташилди.

Ўзбекистон ССР Маҳаллий саноат министрининг қороналарининг меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Қайтартиришнинг 50 йил-ининг муносиб кўтиб олиш учун бошланган муносабатни авж олдириб, махсуслотни реализация қилиш ҳажми бўйича ун бир ойлик планини бажарганликлар тўғрисида 19 ноябрда рапорт бердилар. Бу муваффақиятга Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона област икромия қороналар ва Тошкент шаҳар икромия қороналарнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар. Ун бир ойлик топиригача қўшимча равишда салкам саккиз миллион сўмлик махсуслотни реализация қилиш белгиланди. (ЎзТАГ).

Н. В. ПОДГОРНИЙ КАНАДА ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРИ М. ШАРПНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний 20 ноябрда Кремлда Канада ташқи ишлар министри Митчел Шарпни қабул қилди. М. Шарп расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турибди.

Дўстона суҳбат чоғида Совет — Канада муносабатларини ривожлантириш масалалари ва ҳар икки томонни қизиқтирувчи баъзи халқаро проблемалар қўриб чиқилди. Совет Иттифоқи билан Канада яхши қўшничилик муносабатларини янада мустақамлашга ва самарали ҳамкорлигини кенгайтиришга интилобатлиқлари таъкидлаб ўтилди.

Суҳбатда КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси СССР ташқи ишлар министри А. А. Громио, Совет Иттифоқининг Канададаги элчиси А. Н. Яковлев, шунингдек Канада ташқи ишлар министри, Канаданинг Совет Иттифоқидаги элчиси Роберт А. Д. Форд ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Л. В. ГЕНТШЕГА «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КУРСАТГАН ФАН АРБОБИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Тарих фанини ривожлантириш маиллар факультетлар КПСС таълим республикада юксак малакали илмий-техника вазирлиги таълим вақтида Владимирининг Гентшега «Ўзбекистон ССРда хизмат курсатган доктори, В. И. Ленин номидаги фан арбоби» фахрий унвонини берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДУЛЛИН.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Х. ПУЛАНОВА.

1973 йил 20 ноябрь, Тошкент шаҳри.

РЕСПУБЛИКА ТЕРАПЕВТЛАРИНИНГ СЎБЕЗДИ

Ўзбекистон врачлари энг кўп сонли отряднинг вақтлари 20 ноябрда Тошкентда очилган терапиялар икромия республика съездида тўнландилар. Съезд иши нардиологиянинг атуал масалаларига бағишланди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг съездида бўлган табринома масини ўқиб берди.

Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари К. С. Тулаганов республика аҳолисини кўрсатилган терапиялар ёрдами янада ривожлантириш ва таъминлаштириш тўғрисида доклад қилди.

Съезд ўз ишнин давом эттирмонда. (ЎзТАГ).

Республика областларида куати шудорашининг бориши тўғрисида 1973 йил 20 ноябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Виринчи ступ — областлар; иккинчи ступ — хўжалик майдон (миң гектар ҳисобда); учинчи ступ — планининг бажарилиш проценти

Тошкент	173,4	82,5
Хоразм	5,5	68,6
Сирдарё	164,6	56,7
Самарқанд	123,4	82,0
Фарғона	32,9	32,2
Андижон	46,4	26,5
Сурхондарё	31,7	22,6
Наманган	29,1	21,6
Бухоро	33,9	18,5
ҚК АССР	10,9	16,1
Қашқадарё	15,5	10,9
Республика бўйича:	667,3	39,5

Редактор М. КОРИЕВ.

ГВИНЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING СССРДА БЎЛГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Гвинея демократик партияси (ГДП) Марказий Комитети миллий Сийасий бюросининг аъзоси, Гвинея Республикаси Бош министри доктор Жансана Беаово бошчилигидаги Гвинея Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 1973 йил 15 ноябрдан 19 ноябргача расмий дўстона визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

Бўлиб ўтган музокарада Совет томонидан — КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари К. Т. Мазауров, КПСС Марказий Комитети Сийасий бюросининг аъзоси, СССР Марказий Комитети Секретари В. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР ташқи ишлар министрининг биринчи ўринбосари В. В. Кузнецов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, СССР Министрлар Совети ташқи итисодий алоқалар давлат комитети раиси С. А. Скачков, ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузмин, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари Л. Ф. Ильичев, СССРнинг Гвинея Республикасидаги элчиси Л. Н. Мусатов, СССР ташқи ишлар министрининг II Африка бўлимининг мудир В. И. Караванов, Гвинея томонидан — ГДП Марказий Комитети миллий Сийасий бюросининг аъзоси, Гвинея Республикаси бош министри доктор Л. Беаово, ГДП Марказий Комитетининг миллий Сийасий бюросининг аъзоси, Гвинея Республикаси саноат ишлар министри Н. Кейта, ГДП Марказий Комитети миллий Сийасий бюросининг аъзоси, Гвинея Республикаси маориф ва малакати министри М. Кейта, ГДП Марказий Комитети ташқи савдо министри А. Туре, Гвинея Республикаси планлаштириш министри А. Драме, Гвинея Республикасининг СССРдаги элчиси Ф. М. Мойиба қатнашдилар.

Гвинея Республикасининг делегацияси КПСС Марказий Комитетида қабул қилинди ва совет делегациясини аъзолари билан суҳбатлашди.

Дўстона вазиятда ва ҳамжиҳатлик руҳида ўтган суҳбатлар ва музокара давомида бир қанча муҳим халқаро проблемалар ҳусусида, шунингдек, Совет — Гвинея муносабатларининг ҳамда партиялар ўртасидаги алоқаларини янада ривожлантириш масалалари ҳақида фикрлашиб олинди.

Томонлар кескинлигини то-

бора қамайишни йўлида ижобий тенденцияларни ва иктомий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принциплари халқаро ҳаётнинг ҳамма томонидан қабул қилинган нормаси сифатида қаран тоғналгини мамнуният билан таъкидлаб ўтилди.

Гвинея томони КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневга тинчликни мустақамлаш ва умуман халқаро вазиятни соғломлаштириш йўлида тинмай, куч-ғайрат сарфлаётганлиги учун самимий миниядорчилик изҳор қилди. Томонлар Европа қитъасида ва бутун дунёда тинчликни таъминлаш ва сақлаб қолишга катта аҳамият бериб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган кенгаши Европадаги ижобий силжишларнинг ёркин ифодаси бўлганлигини таъкидлаб ўтилди. Улар шу раёнда мустақам тинчлик ва хавфсизлигининг доимий амал қилувчи системасини яратиш мақсадида куч-ғайрат сарфлашнинг давом эттириш зарур эканлигига қатъий ишонч бидирдилар.

Томонлар планетамизда тинчликни мустақамлаш империалистик агрессияси сисатига ва халқларнинг ички ишларига аралашинишга зарба бериш учун кенг ва таъсирчан замин яратиш мақсадида барча тинчликсевар кучларни, прогрессив сиёсий партияларни, демократик ва жамоат ташкилотларини бирлаштириш зарурлигига кўда катта аҳамият берадилар. Шу муносабат билан тинчликсевар кучларнинг Москвада бўлиб ўтган жаҳон конгрессининг ижобий ақуларидан томонларнинг мамнуни эканлиги бидирилди.

Томонлар янги ва батамом кулолланган тинчликни сақлаб қолиш ва мустақамлаш учун энг муҳим воситалардан бири деб ҳисоблайдилар.

Хар иккала томон Вьетнамда уруш тўхтатилганлигидан гоат йамунун эканлигини бидирдилар, улар Вьетнам ҳусусида Парижда тузилган битимнинг ҳамон бўзлаб-қувватлашларини қораладилар, Камбоджа халқига ва Лаос халқига ўзининг ички проблемаларини ташқаридан бири бир давлатнинг аралашувисиз ўзлари мустақил ҳал этишлари учун имконият берилишини қатъий талаб қилдилар.

Томонлар Исроилнинг босқинчилик экспансиячилик сисатини қораладилар ва араб халқларининг олиб бораётган адолатли курашини қатъий билан қўллаб-қувватлашларини бидирдилар. Томонлар Исроил қўшунларини улар оккупация қилиб турган араб территорияларидан батамом олиб кетиш, шу раёндаги барча мамлакат-

лар ва халқларнинг, шу жумладан Фаластиндаги араб халқининг хавфсизлигини ва қонуний ҳуқуқларини таъминлаш асосида Яқин Шарқда чинакам адолатли ва мустақам тинчлик ўрнатиш зарур эканлигини таъкидлаб ўтилди.

Томонлар тинчликни сақлаб қолиш БМТ уставига қатъий риоя қилиш асосида халқаро хавфсизлигини таъминлаш ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантиришнинг муҳим воситаси сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилотини мустақамлашга қўмаллашини янгилашларини таъкидлаб ўтилди.

Блокларга қўшилмаган давлатларнинг Янаовида бўлиб ўтган конференцияси дўстлар катта халқаро аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинди.

Блокларга қўшилмаган мамлакатлар империализмга, уруш ва агрессияга қарши, мустақамлашлик ва ирқчиликка қарши, халқлар тинчлиги, мустақиллиги ва озолиги йўлида муайян мақсадни қўллаб қўрашини қатъий аҳд қилганлигини конференция яна бир марта қўрсатди.

Томонлар империализм ва реакциянинг агрессия доиралари, халқларнинг озолилик ҳаракатини ўзравонлик билан бостириниш, га, социал ва итисодий тараққиётнинг прогрессив йўлини танлаб олган давлатларнинг арқини ва мустақил ривожланишига ҳалақит беришга ҳамон урини келатганлигини қораладилар.

Томонлар Чили реакциясининг халқ бидирги қонуний ҳукуматини ағдаришга ва ҳарбий фашист диктатураси ўрнатилга Чили халқи иши учун мардонавор курашчи, Латин Америкада антиимпериалистик озолилик ҳаракатининг буюк Президенти Сальвадор Альенде-нинг халқ бўлишига омманвий талоқ бўлишига олиб келган ҳаракатларини кескин қораладилар. Улар реакцияни кучлар эривсар Чили халқининг иродасини бука олмайдилар, мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт иши енгилмайдилар, деб ишонч бидирдилар.

Томонлар ески ва янги мустақамлашчиликнинг батамом ва узил-кесил тугатилишига тезроқ эришиш зарур эканлигини таъкидлаб ўтилди ва мустақамлаш мамлакатлари ҳамда халқларига мустақиллик бериш тўғрисида БМТ декларациясини тез ва самарали бажаришга эришиш учун қатъий курашажакларини таъкидладилар. Томонлар Африкада янги мустақил суверен давлат — Гвинея-Бисау Республикаси тузилганлигини таъкидладилар. Гвинея-Бисау халқлари ақнабий эолларини ўз мамлакатни тер-

риториясидан тез орада ва батамом ҳайдаб-йўборишга эришадилар, деб ишонч бидирдилар. Томонлар Ангола, Мозамбик, Янубий Африка, Зимбабве, Намибия халқларининг озолилик ва миллий мустақиллик учун олиб бораётган кураши билан тўла бирдам эканлигини бидирдилар. Жанубий Африка Республикаси ва Янубий Родезия реакция ҳукуматлари олиб бораётган апартеид сисатини, шунингдек ирқчи режимидаги ёрдам бераётган империалистик давлатларнинг сисатини кескин қораладилар.

Томонлар Африка бирлиги ташкилотининг империализмга ва мустақамлашчиликка қарши олиб бораётган ишларига, унинг Африка қитъасини сиёсий ва итисодий жиҳатдан озоли қилиш процессини тезлаштириш йўлида сарфлаётган куч-ғайратига юксак баҳо бердилар ва бу ҳаракатни қўллаб-қувватлашларини таъкидладилар.

Ҳар икки томон ўртасидаги муносабатларга доир масалалар муносабат қилинган чоғда традицион дўстона руҳдаги бу муносабатларнинг кейинги йилларда янада ривожланишини қайд қилинди.

Экономикани, фан ва маданиятни ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда, мамлакатнинг муҳофаа қўйилишига мустақамлашда ва бошқа соҳаларда Гвинея Республикасига ёрдам ва мадад бераётганлиги учун делегация Совет Иттифоқида миниядорчилик изҳор қилди.

Совет томони Гвинея Республикасининг империализмга ва мустақамлашчиликка қарши тўтаётган йўлига, халқаро тинчлик ва хавфсизлигини муста